БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 42 (4141)
20 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁ ҲИСОБИГА

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан Москвадаги илғор корхоналарнинг 19 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини пойтахтдаги 2-пойафзал фабрикаси коллективи ҳам яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

БУГУН

фабрика қошида шанбалик ўтказиш бўйича тузилган штаб меҳнат байрами программасини эълон қилди.

Унга кўра, шу куни 2 мингга яқин ишчи ўз станоклари ёнида туриб, юксак унум билан меҳнат қилади ва 7500 жуфт пойафзал ишлаб чиқаради. Бу оддий кундагидан 15 процент кўп, демакдир. Коммунистик шанбалик куни тайёрланган маҳсулотнинг 20 процентига давлат Сифат белгиси қўйилади, 60 проценти эса биринчи тақдимдаёқ техника назорати бўлимига топширилади.

Беш йилликнинг якунловчи йили дастлабки кунларидан бошлаб тежамкорликка катта эътибор бериб келаётган пойафзалчилар меҳнат байрами куни 12 минг сўмлик маҳсулотни йил бошидан буён тежаб қолинган хом ашё ва материал ресурслари ҳисобига тайёрлаб берадилар. Шунингдек, шанбалик программасида ўша куни фабрика атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган. Шанбаликдан тушган иш ҳақи батамом ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИЙ.



Коммунистик меҳнат зарбдори Насиба Гельманбоева кўп йиллардан буён Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-нон ишлаб чиқариш корхонасининг 3-цехида нонвой бўлиб ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида тажрибали ишчи кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозирда унинг шогирдлари ўз устози билан ёнма-ён меҳнат қилиб, смена топшириқларини оширib адо этишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КП ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

ЛЕНИН ВА ҚУЙИБИШЕВ РАЙОНЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА ШАҲАР САНИТАРИЯ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ИККИ ОЙЛИК ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент меҳнаткашларининг жонажон шаҳарларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун ойликлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиши анъана бўлиб қолди. Фақат 1979 йилнинг ўзида оммавий ҳашарлар туфайли сунъий ёмғирлатиш шахобчаларини бўлган юздан зиёд янги кичик хиёбонлар ташкил этилди, суғориш тармоқларига сув етказиб бериш яхшиланди.

Мана бу сафар Ленин ва Куйбишев районлари корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ниятида жўш уриб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва территориялар санитария ҳолатини яхшилаш бўйича икки ойлик ўтказиш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва Халқаро меҳнаткашлар бирдамлиги кунига муносиб тайёргарлик кўриш ташаббуси билан чиқдилар.

Меҳнаткашларнинг республикамиз пойтахти ҳақидаги ғамхўрлиги, муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қабул қилиб, унда Ленин ва Куйбишев районлари меҳнат коллективларининг ташаббусини маъқуллади. 20 февралдан 20 апрелга қадар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва Тошкент шаҳри районларининг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича икки ойлик ўтказишга қарор қилинди.

Район партия комитетлари, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига Ленин ва Куйбишев районлари меҳнаткашларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва бу ташаббусни корхона ва ташкилотлар коллективлари ўртасида кенг ёйиш таклиф этилди. Шаҳар ва район партия комитетлари бўлимларига, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига, шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бошқармалари, бўлим ва трестларига ҳафталик муддат ичида ободонлаштириш ишларини олиб бориш, кўкаламзорлаштириш, турар жой массивлари, уйларнинг балконлари, болалар ўйин майдонлари, ишлаб чиқариш-маъмурий бинолар, кичик шакалдаги меъморчилик элементлари ва шаҳар магистраллари санитария ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди. Корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга, ўқув юртлари ва уй-жой органларига маълум участкалар, кўчалар, майдонлар бириктирилади. Бу участкалар намунали тартибда сақланиши, уларнинг санитария ҳолати яхшиланиши зарур.

Кўчалар, йўлкалар, йўл-кўприк хўжаликларини, ер ости ўтиш йўлларини ремонт қилиш, суғориш тармоқларини тозалаш ва тартибга келтириш, шиорлар, стендлар, эълонлар, кўчалар, майдонлар номи қайд этилган белгиларни янгилашга доир бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим.

Маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларини, ўқув муассасаларнинг биноларини, спорт майдончаларини, тартибга солиш, биноларнинг ташқи қиёфасини, балконларни, подъездларни, шунингдек, ободонлаштиришнинг бошқа элементларини архитектура-бадиий безатилишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Икки ойлик давомида 350 минг туп дарахт, 950 минг бута ўтказилади. Ободонлаштириш бош бошқармасига ҳар ҳафтада яшил ниҳолларни ўтказиш, янги ҳиёбонларнинг ташкил этилиши қандай бораётганлиги тўғрисида шаҳар штабига ахборот бериб туриш таклиф этилди.

Барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси, трамвай-троллейбус бошқармаси, «Главташпассавтотранс» жамоат транспорти барча стационар ва йўл иншоотларини намунали тартибга келтиришлари, бекатларни ремонтдан чиқариб, ободонлаштиришлари лозим.

Қурилиш майдонларида суви бир ерга йиғиладиган ювиш жойларини жиҳозлаш, қурилиш майдонларини ўраб турган тўсиқларнинг бут бўлишини қаттиқ кузатиб бориш, йўл сатҳининг ифлосланишига йўл қўймаслик зарур. Шунингдек, қурилиш объектларининг тўсиқларини бўяш, объектларга кириш йўлларини ободонлаштириш, қурилиш чиқиндилари ва тупроқ ташиш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим. Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси шаҳар автомобиль инспекцияси бу масалани алоҳида назорат остига олиши керак.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, корхоналар, муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, икки ойликнинг ўтиши устидан назоратни амалга ошириш учун шаҳар штаби тузилди.

Район партия комитетларига, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига районларда, корхоналарда, ташкилотларда, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бошқармалари, бўлим ва трестларида штаблар ташкил этиш ҳамда ҳар бир объект бўйича назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш учун масъул шахсни тайинлаш топширилди.

Мазкур қарор район партия комитетлари, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасалари ва уй-жой органларининг раҳбарлари зиммасига меҳнат коллективлари, аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кенг ёйиш, аҳолини икки ойликда фаол иштирок этишга жалб этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича шанбалик ва якшанбаликларни мунтазам ўтказиб туриш вазифасини юклайди. Икки ойликни ўтказиш билан боғлиқ масалалар партия бюролари мажлисларида, ишлаб чиқариш кенгашларида мунтазам муҳокама қилинади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига икки ойликнинг боришини кенг ёритиш таклиф этилди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг коллективлари шаҳар районларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини янада яхшилаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирадилар.

Техника тараққиёти йўлида

ЯНГИ ҚУВВАТ ИШГА ТУШДИ

БУГУН

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг Фахмидин Хўжаев номли 1-фабрикасида янги, замонавий ишлаб чиқариш корпуси фойдаланишга топширилди. Бу икки қаватли бинода ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиши учун ҳамма шароит яратилган.

Бинонинг умумий фойдали сатҳи бир минг квадрат метр атрофида бўлиб, унинг қурилишига 750 минг сўмлик капитал маблағ сарфланди. Қурилиш ишларини 3-қурилиш трестининг 16-бошқармаси коллективи муддатидан илгари ado этди. Янги корпуснинг ишга туширилиши муносабати билан бирлашма бош директори С. Аюпов мухбиримизга қуйидагиларни айтиб берди:

— Бугун чиндан ҳам бирлашмамиз коллективининг меҳнат фаолиятида яна бир қувончли воқеа юз беряпти. Корхонанинг илғорлари, мураббийлари ўзларининг шогирдлари билан янги бинога кўчиб ўтганликларидан беҳад мамнунидирлар. Янги қувватнинг афзалликлари шундан иборатки, у меҳнат қилиш учун ҳар томонлама ёруғ, замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бинонинг биринчи қаватида болалар сандали, иккинчи қаватида эса қишлоқ хўжалик ходимлари учун керзи этиклар тайёрланади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун олтита янги поток линия ўрнатилди. Бир йилда бу ерда 1 миллион 250 минг жуфт сандал ва 360 минг керзи этик ишлаб чиқарилади. Шу билан бирлашма бўйича пойафзал маҳсулотлари тайёрлаш яна 500 мингтага кўпаяди.

Шу беш йилликнинг ўзида корхона ишчи ва хизматчиларига маиший хизмат кўрсатиш мақсадида 375 ўринли замонавий ошхона ҳам ишга туширилган эди. Ўтган беш йилликда эса тўрт қаватли ишлаб чиқариш корпусининг бунёд этилиши ишлаб чиқариш тараққиётида яна бир муҳим босқич бўлган. Шундай қилиб, корхона улуғвор беш йилликлар давомида кучига-куч, қудратига-қудрат қўшиб бормоқда.

А. ПЎЛАТОВ.





СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводининг маҳсулоти мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур. Тошкент маркаси билан чиқаётган Т—28Х4М, МТЗ—80Х маркали тракторлар ва юк ташиш прицеплари кўпгина мам. лакатларга жўнатилмоқда.

СУРАТЛАРДА: чапда— механика цехининг зарбдор йигувчи-слесари коммунистик меҳнат зарбдори мураббий ишчи Зуфар Зайнулин; ўнгда—Т—28Х4М маркали тракторларни йиғиш конвейерининг кўриниши.

М. Нуриддинов фотолари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленин номли Ленинград атом электр станцияси қурувчиларини, монтажчиларини, эксплуатациячиларини, машинасозларини, олимларни, лойиҳачиларни, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, қурилишнинг барча қатнашчиларини катта меҳнат ғалабаси — В. И. Ленин номли Ленинград атом электр станцияси учинчи энергоблокининг қурилиши тугалланганлиги ва ишга тушганлиги, станциянинг қуввати уч миллион киловаттга етказилганлиги билан самимий табриклайди.

● Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг актуал масалалари» асарлар тўпламининг иккинчи қўшимча нашрининг биринчи томи ўзбек тилида босмадан чиқарилди.

Китобни «Ўзбекистон» нашриёти босмага тайёрлаган.

● Самарқанд шаҳар комсомол ташкилотини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

● Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси сайлов куни ва унинг якунларини чиқариш вақтидаги ўзининг иш тартибини белгилади.

МЕТОДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШДИ

БУГУН

ҳунар-техника таълими республика маъният уйининг бир группа ходимлари Сирдарё областидан қайтиб келишди.

Улар ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялашга бағишланган семинарда иштирок этишди. Ҳунар-техника таълими область бошқармаси ва маданият уйларида бўлиб, методик ёрдам кўрсатишди. Ёшлар ўртасида маданий-оқартув ишларини янада яхшилаш бўйича билим юртларининг ўқитувчилари билан фикр алмашдилар.

Ҳунар-техника таълими республика маданият уйи ходимлари методик ёрдам кўрсатиш учун республикамизнинг бошқа областларига ҳам боришади.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

Чет мамлакатларнинг илмий ва маданий муассасаларида Совет Ўзбекистонида социализм йилларида эришилган ютуқларни ўрганишга бўлган қизиқиш ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам республикамизнинг кўп қиррали жўшқин ҳаётини акс эттирувчи китобларни сўраб ёзилган илтимос мактублари Тошкентга кўплаб келмоқда.

115 МАМЛАКАТГА

БУГУН

республика китоб базаси қошидаги китоб экспорти магазинининг коллективи чет мамлакатларнинг буюртмасига биноан жуда кўп китобларни экспортга жўнатди.

Улар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан», «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номли, «Медицина» нашриётларида тайёрланган китоблар бор. Буюртмага биноан «Ўзбекистон фойдали ўсимликларининг биологик хусусиятлари», «Ўзбекистон шифобахш ўсимликлари», «Бутуниттифоқ минералогия жамияти Ўзбекистон бўлимининг асарлари» деган китоблар бор. Бундан ташқари таниқли шоира Зулфиянинг «Менинг қалбим ана шундай» рус тилидаги танланган шеърлари, Пиримқул Қодировнинг «Яратиш учун яшаш» асарлари ўрин олган.

Китоб экспорти магазини СССР Конституциясини инглиз, испан, рус, ўзбек тилларидаги жуда кўп нусхаларини ҳам хорижий мамлакатларга юборди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда нашр этилаётган китобларни ер куррасидаги 115 га яқин мамлакат катта қизиқиш билан сотиб олмоқда.

ШАВКАТЛИ АРМИЯМИЗ ҲАҚИДА

БУГУН

шаҳар кинолаштириш бошқармаси Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти куни муносабати билан кино даргоҳларида қатор тадбирларни ўтказишни бошлади.

Экранларда кўрсатилаётган бадиий фильмлар Совет Армиясининг ташкил бўлган кунидан бошлаб ҳозиргача эришган ютуқлари, унинг чексиз қудрати, Ватанимизнинг муқаддас чегараларини сергаклик билан кўриқлаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Томошабинлар «Солдат ҳақида қисса», «Қора қайин», «Қанотсиз фронт», «Урушсиз 20 кун» фильмларини қизиқиш билан кўришмоқда.

Собир Раҳимов номли кинотеатрда биринчи ўзбек генералининг хотирасига бағишлаб ўтказилган маросим қатнашчилари йиғилганларга ажойиб саркарданинг жўшқин кўмондонлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

«Пионер» кинотеатрида Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи билан биргаликда жангчиларимизнинг тинч меҳнат йилларида слиб бораётган фидокорликлари тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил этилди. «Восток», Лисунов номли, «Қозоғистон» кинотеатрларида эса шу кунларда бир неча учрашувларни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилган.

Кинолаштириш бошқармаси Ватан посбонларининг байрамини муносиб ўтказиш мақсадида бир қатор янги бадиий фильмларни ҳам экранларга чиқарди. Машҳур Совет авиация конструктори Туполев ҳақида ҳикоя қилувчи «Қанотлар ҳақида қисса», Қизил Армиянинг граждандар уруши йилларида олиб борган кураши ҳақида «Гаплашиб олайлик, ака», «Улим сўзини унутинг» фильмлари томошабинлар диққатига ҳавола қилинмоқда.

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг якунловчи йилида Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қувончли ютуқларни қўлга киритяпти. Кун неча бирлашмада тайёрланаётган ўн етти моделдаги аёллар кўйлагини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариш ҳуқуқи берилди.

Эндиликда корхона чеварларининг етмиш хил буюмига фахрли беш қиррали белги қўйилятти. Йил бошидан бери эса ана шундай буюмлардан бир миллион 232 минг сўмлигидан ортиқ реализация қилинди.

Шу кунларда бирлашмада ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 35 проценти давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

КУЧЛИЛАРГА ОМАД ЁР БЎЛМОҚДА

ОК ОЛИМПИАДАДАН ДАРАКЛАР

Тоғ чанғи спорти. Швециялик чанғичи И. Стенмарк баландликдан катта тезликда сирғаниб тушишда биринчи бўлиб, ўз командасига иккинчи олтин медални келтирди. Бу беллашувларда қатнашган мамлакатимиз спортчиси В. Циганов омадсизликка учради. Биринчи тур баҳсларидан кейин у олтинчи ўринда бораётган эди. Шу боисдан ҳам натижани яхшилаш ниятида у трассани катта тезликда босиб ўтишга ҳаракат қилди. Лекин маррага 15 метр қолганда трассадан чиқишга мажбур бўлди.

* * *

Коньки. Америкалик спортчи Э. Хайден Лейк-Плэсидда учинчи олтин медални қўлга киритди. Бу сафар у 1000 метр масофага ўтказилган пойгада маррага ҳаммадан тез етиб келди. Иккинчи ўринни канадалик спортчи Г. Буше эгаллади. Бронза медаллари эса мамлакатимиз вакили В. Лобанов ва норвегиялик спортчи Ф. Рённингга топширилди. Чунки бу икки спортчи бир хил натижа кўрсатган эди.

* * *

Биатлон. Олимпиадалар тарихида биринчи марта биатлончилар 10 километрлик масофани тез ўтиш бўйича баҳслашдилар. Маррага ГДР спортчиси Ф. Ульрих биринчи бўлиб етиб келди. Мамлакатимиз вакили В. Аликин иккинчи ўринни эгаллади. 20 километр масофага ўтказилган пойгада ғолиб чиққан А. Алябьев бу сафар учинчи ўрин билан кифояланди.

* * *

Қишки икки кураш. Спортнинг бу тури бўйича ўтказилган беллашувларда ГДР спортчиси У. Веллинг ғолиб чиқди.

* * *

Фигурали учиш. Бундан бир неча соат муқаддам спорт рақси бўйича ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Бу беллашувларда мамлакатимиз спортчилари Н. Линичук ва Г. Карпоносов ажойиб маҳорат кўрсатишди. Улар умумий якунда биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирландилар. Иккинчи ўринга венгриялик спортчилар К. Регоци ва А. Салаи кўтарилди. Бронза медаллари эса И. Моисеева ва А. Миненковга топширилди.

* * *

Эркаклар ўртасида ўтказилаётган беллашувларда ҳамон ГДР спортчиси Я. Хофман пешқадамлик қилмоқда. Вакилимиз Жаҳон чемпиони В. Ковалев бетоблиги туфайли беллашувлардан чиқишга мажбур бўлди. Яна бир вакилимиз И. Бобрин иккинчи куни беллашувлардан сўнг, еттинчи ўриндан бешинчи ўринга кўтарилди.

ПОЙТАХТ САЙЛОВ АРАФАСИДА

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

КОЛЛЕКТИВНИНГ МУҚОБИЛ ПЛАНИ

Киров районидаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловни меҳнат совғалари билан кутиб олмоқда. Коллектив бир ярим ойлик топшириқни муваффақиятли ado этди ва йил бошидан буён планга қўшимча 2 миллион сўмликдан кўпроқ турли кийимлар тайёрлаб чиқарди. Бундай ютуққа маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш туфайли эришилди.

Коллектив сайлов арафасида беш йилликнинг якунловчи йили учун муқобил план қабул қилди. Планда белгиланганидан икки миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилиш белгиланди. Корхона меҳнат аҳли В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача маҳсулот реализация қилиш бўйича 4,5 йиллик планни бажарди.

ИШЧИЛАР РАЙОНИДАГИ ЯНГИЛИК

Пойтахтнинг **Куйбишев районида** маҳаллий Советларга бўлиб ўтган олдинги сайловлардан буён оламолам ўзгаришлар бўлди. Қорасувнинг кенг массивларида, трактор, экскаватор заводи районларида, Ташавтомашда янги-янги замонавий шинам квартирали уйлар қад ростлади. Уларда 80 мингдан ортиқ киши уй тўйи ўтказди. Маданий маиший биноларга кўпайди. Ўтган йили ўндан ортиқ шундай бинолар фойдаланишга топширилди.

Кейинги йилларда районда бўлган ҳамма ўзгаришлар билан сайловчиларни агитатор ва пропагандистлар таништирдилар. Депутатликка номзодлар билан учрашувларда меҳнат коллективларининг вакиллари ўттиздан кўпроқ наказлар беришди, уларнинг аксарияти депутатлар томонидан ижро этиш учун қабул этилди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Собир Раҳимов районидаги сайловчилар клубларидан олтитасида депутатликка номзодлар билан учрашув кечаси ўтказилди. Район саноат корхоналари коллективларининг, ишчиларнинг ютуқлари ҳақида агитаторлар, депутатликка номзодлар, мусобақа илғорлари ҳикоя қилиб беришди.

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Тошкент Давлат маданият институти шу кунларда ниҳоятда гавжум. Бу ерда жойлашган 34-сайлов участкасида сайловга бағишлаб турли тадбирлар ўтказилмоқда. Институт коллективи сайловчилар учун савол-жавоб кечалари, лекция ва адабий кечалар, турли темаларда суҳбатлар уюштирмоқда. Айниқса, тарих фанлари кандидати, доцент А. Каримовнинг «Совет сайлов системаси тўғрисида», «СССР Конституцияси тўғрисида», КПСС тарихи кафедраси ўқитувчиларининг «Хитой милитаризми — нисоният душмани-дир» каби лекция ва суҳбатлари қизиқарли бўлди.

Институт педагогларидан ташкил топган агитаторлар агитпунктга келган сайловчиларнинг ҳар бир саволларига мазмунли жавоб қайтариб, уларни қизиқтириб этмоқдалар.

Сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришда агитаторлардан М. Азамов, Т. Фастовский, Р. Абдуллаева, С. Султонсаидова каби лар айниқса, жонбозлик кўрсатишмоқда.

Б. КАРИМОВ.

телетайп лентасидан

● ПАРИЖ. «Кенсалик буржуа жамиятида қашшоқлик, ёлғизлик ва фожиа демакдир», деб ёзади «Юманите» газетаси. Қариялардан 2,3 миллион киши кун кечириш учун энг кам миқдордаги, расмий зарур маблагдан икки баравар кам пенсия ва нафақа олади. Кучайиб бораётган қимматчилик эса ҳисобга олинмайди. Кекса французларнинг 80 проценти бирон-бир қулайлиги бўлмаган уйларда кун кечирмоқдалар. Пенсионерларнинг 90 проценти бутун йил давомида бирон марта ҳам кино ёки театрга бормаган.

Франция қариялари иттифоқи «Биз ҳайрэҳсон эмас, балки ҳуқуқларимизга риоя этилишини талаб қиламиз» деган шиор остида пенсияни кўпайтириш, солиқларни камайтириш ва давлат ёрдамини ошириш учун курашмоқдалар.

● БАҒДОД. Ироқ пойтахтида Тигр дарёси устидан осма кўприк қурилишга киришилди.

Шу билан Бағдодда дарёнинг иккала соҳилида жойлашган Шимолий районлар ўртасида ўнта кўприк барпо этилади.

● ЛАГОС. Нигерил ўтган йили рекорд миқдорда — 840 миллион баррель нефть қазиб чиқазди.

● МАНАГУА. Никарагуанинг Коринто портига Куба кемаси кўп миқдорда юк машиналари, бульдозерлар, бинокорлик техникасини келтирди. Айни вақтда мамлакатга юксак малакали биноқорлар ҳам келишмоқда. Кубалик мутахассислар Никарагуадаги ҳамкасблари билан биргаликда 160 километрлик Рио — Бланко-Сиуна тош йўлини қуришда қатнашадилар. Бу йўл мамлакатнинг Тинч океан бўйи районларини Атлантика соҳиллари билан боғлайди. Бу йўлнинг ишга туширилиши Никарагуанинг ўнроқ районларини ривожлантиришга ёрдам беради.

● ТОКИО. Японияда Ўтикоур космик марказидан Ер атрофи орбитасига 185 килограмм вазндаги «Тансэй-4» тажриба йўлдоши учирилди. Йўлдош уч босқичли ракета ташувчи «М-3S» ёрдамида орбитага чиқарилди. «Тансэй-4»ни учиришдан асосий мақсад, ракетани, шунингдек ҳозирги вақтда Японияда қўёши ўрганиш учун мўлжалланган ер сунъий йўлдошида ўрнатилдиган приборларни синаб кўришдир.

(ТАСС).

БИЗ-РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ЖАМИЯТИМИЗ

«БИЗНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ КОММУНИЗМ ЙЎЛИДАН НЕЧОҒЛИ ОЛҒА БОРГАН САРИ СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ — ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛОВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА АКС ЭТТИРИЛГАН ЖУДА КАТТА ИЖОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ШУ ҚАДАР ТЎЛИҚ БЎЛИБ ОЧИЛАВЕРАДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

МАҚСАДИМИЗ — ЯРАТУВЧИЛИК

Ёшлар ёки чет эллик меҳмонлар мендан совет кишиси характерининг бирмунча муҳим хусусиятлари ни-малардан иборат, деб сўраганларида, мен шундай жавоб бераман: қуришга, яратувчиликка интилиш. Доимо қуриб келган бўлсалар ва бундан буён ҳам қурсалар-да бунинг ўзига хос маъноси бор. Бизнинг мақсадимиз — интилишимиз тақкослаб бўлмайдиган даражада чуқур ва аҳамиятлидир. Бу яратувчиликнинг ўзига хос хусусияти, меҳнатга олий мақсади бор: мамлакатимиздаги қурилиш программаси—бутун жамиятни революцион қайта қуриш жаҳоншумул соцнал программасининг таркибий қисмидир.

Бир сўз билан айтганда, капитал мамлакатларининг хўжайинлари ишчиларни яна ҳам қаттиқроқ эксплуатация қилиш ва қўшимча фойда олиш учун янги-янги заводлар қурмоқдалар, биз, ўз мамлакатимизда халқ фаровонлигини ошириш учун қурамиз. Биз қурувчилар Қарши чўли қурилиши, Магнитка, Туркситдан тортиб олдимизга ўз меҳнатимиз билан халқ турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам беришни асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Менимча, бизнинг кўпмиллионли қурувчилар армияси худди ана шу хусусияти билан ажралиб туради. Бу фарқ аввало жамиятимиз томонидан бизнинг олдимизга қўйилган коммунизмнинг моддий базасини яратиш вазифасини мувaффақиятли ҳал этишимиздадир.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йилида қурилиш-монтаж ишларига 957 миллион сўм сарфланди, бу олдинги беш йилликнинг ана шу даврдагига нисбатан 59 миллион сўм кўпдир. Уч миллион квадрат-метрга яқин уй-жой фойдаланишга топширилди, шу туфайли 320 мингдан кўпроқ тошкентликлар уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида ўринлар сони 17.700 га кўпайди, 44.100 ўринли мактаб ва ҳунар-техника билим юрти, 2600 ўринли касалхона, 3.100 кишига хизмат кўрсата оладиган поликлиника, 120 дан ортиқ саноат, маданий-маиший ва коммунал бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу йил қурилиш-монтаж ишларига 250 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Бугунги кунда «Главташкентстрой» нинг ҳамма механизаторлари йиллик ва беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилдилар. Тўртта қурилиш бошқармаси, 16 та участка ва 154 та бригада (беш мингдан ортиқ киши) ана шу шонли сана шарафига беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олдилар. 30 га яқин бригада шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Булар орасида 159-трестдан Р. Гайнуллин бошлиқ «Жилстрой» трести-дан Б. Шукуров бошлиқ, «Отделстрой» трести-дан У. Алимжонов бошлиқ ва бошқа коллективлар бор.

Злобининг пудрат методи ҳамда объектларни қуришнинг поток методи қурилиш практикасида тобора кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда тўрт юздан кўпроқ коллектив хўжалик ҳисобида ишламоқда.

Қурилишимизни янада бир хусусияти содиқлик, муқаррарликдир. Қурилишларда кўплаб ёшлар меҳнат қилишмоқда. Бу бизни шуниси билан қувонтирадики, ветеранларнинг муносиб ўринбосарлари бўлаётган ёш қурувчилар совет халқининг ер юзида бунёдкорлик ишини муносиб давом эттирадилар.

Н. ОРИПОВ,

«Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатининг бригадири, Ленин орден кавалери, республика Олий Советининг депутати.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИГА БИНОАН

Кейинги йилларда шаҳар транспорти 700 дан зиёд автобус ҳамда қариб 200 трамвай ва троллейбус вагонлари билан тўлдирилди. Янги маршрутлар очилди. Красновосточная кўчасида трамвай-троллейбус депоси — энг йирик пассажир транспорти объекти ишга туширилди, 2519-автоколоннанинг ишлаб чиқариш корпуси реконструкция қилинди, турли хил пассажир транспортлари учун белгиланган марказий диспетчерлик станцияси қурилиши ниҳоясига етай, деб қолди.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК УЧУН

Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида иш олиб бораётган жамоатчилик ташкилотлари халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашда катта ғамхўрлик кўрсатиб келишмоқда. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти, Тинчликни сақлаш республика комитети, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик Ўзбекистон комитети шулар жумласидандир.

Масалан, Ўзбекистон дўстлик жамияти жаҳондаги қариб 120 мамлакат билан дўстлик алоқалари ўрнатган, беш мингдан кўпроқ ташкилотлар ҳамда айрим мухбирлар билан ёзишмалар олиб боради.



Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасида асосан қиз-жувонлар меҳнат қилишади. Фабрика попоп цехи ишчиларининг ансамбли ёшлардан иборатдир. Сиз суратда кўриб турган каштачилар (чапдан-ўнгга) М. Ганиева, М. Мир гиёсова, бригада бошлиғи Д. Мирзакаримова, Х. Уринбоева, Х. Турдиева ва Н. Абдурахмоновалар комсомол-ёшлар бригадасининг аъзоларидир. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига меҳнатда илғорлик қилиш билан сифатли маҳсулот тайёрлашяпти. И. Шоннегомов фотоси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● 24 февраль куни Республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга тошкентликлар 2400 халқ депутатини сайлайдилар, булар юздан ортиқ миллат вакилларидан иборатдир.

● Маҳаллий Советлар ишида 8 мингдан кўпроқ жамоатчилик ташкилотлари иштирок этади, уларнинг сафида қариб 130 минг активист бор.

● Ўз сафига 1655 депутатни бирлаштирган 168 доимий комиссия, маҳаллий Советларнинг эътиборли органлари ҳисобланади.

● Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловларда сайловчиларнинг 978 накази кўриб чиқилди. Шу мақсалаларни муҳокама этишда 480 га яқин депутат қатнашди.

● Ўтган йили Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига меҳнаткашлардан 12 мингга яқин хат ва ариза-лар тушди. Уларда кўтарилган масалалар белгиланган муддатида ҳал этилди, жумладан бир қисми жойларга бориб кўрилди.

● Ана шу давр мобайнида шаҳар Совети ижроия комитетя раҳбарлари томонидан тўрт мингдан ортиқ киши қабул қилинди. Қўйилган 1255 масаладан бир мингдан ортиғи ижобий ҳал этилди.

● Сайловдан — сайловгача ўтган даврда маҳаллий Советлар томонидан 45 сессия ўтказилди, уларда 150 дан ортиқ масала кўриб чиқилди. Шу масалаларни муҳокама этишда 480 га яқин депутат қатнашди.

ШАҲАР ГЎЗАЛЛАШМОҚДА

Республикамиз пойтахти ободончилигида жуда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловдан буён шаҳримиз ҳаритасида ўнлаб янги кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, кўприк ва йўл ўтказгичлар пайдо бўлди, кўпгина магистраллар реконструкция қилинди, шаҳрининг яшил бойлиги кўпайди. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси депутатларга сайловчилар томонидан берилган наказлар асосида амалга оширилди.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида 37 миллион сўмлик асосий фондлар ободончилик объектлари учун ишлатилди. Бу маблағлар ҳисобига «Жасорат» монументи, Дзержинский ва Ҳамза майдонлари, Куйбишев ва Жаҳон Обидова кўчаларида йўл ўтказгичлар, Инқилоб хиёбони ва Луначарский проспектида ер ости ўтиш йўллари каби иноёб иншоотлар қурилди.

Ободончилик ишлари бўйича план-топшириқларнинг муддатидан илгари адо этилишида ва бу борада юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қўлга киритишда кенг қулоч ёйдирилган социалистик мусобақа муҳим роль ўйнамоқда. Шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг касаба союз ташкилотлари ҳам ободончилик корхоналари меҳнатчиларининг ижодий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш учун кучғайрат сарфламоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Бош бошқармамизнинг ҳар саккиз ишчисидан бittаси коммунистик меҳнат зарбдори, бригадаларнинг тўртдан бири эса коммунистик меҳнат бригадалари ҳисобланади.

Бизнинг энг яхши илғор ишчиларимиз социалистик мусобақанинг олдинги сафида боришмоқда. Ихтисослаштирилган йўл эксплуатация трестига қарашли 1-ремонт-қурилиш бошқармасининг асфальтловчиси А. Лутфуллаев, «Гордорстройремонт» трестига қарашли 2-ремонт қурилиш бошқармасининг гранит ўрнатувчиси Э. Харитон, «Электрогазсвет м о н таж» ремонт-қурилиш бошқармасининг бригадири Б. Мирзаевлар шулар жумласидандир.

Бу йил коллективимиз олдида катта ва масъулиятли ишлар турибди. Ҳозир ободонлаштиришни ташкилотларимизнинг куч-гайрати «Халқлар дўстлиги» майдони қурилишига йўналтирилган. Бу ерда ишловчи ҳар бир киши бутун куч-ғайратини сарфлаб, ҳамкасбларига ибрат кўрсатмоқда. Сайловчиларнинг наказларини бажариш бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга оширилиши керак. Ўнлаб кўчалар асфальтдан чиқарилади. Янги йўллар, микрохиёбонлар бунёд этилади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг меҳнатчилари Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Ҳ. ИСЛОМОВ,


Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетя ободонлаштириш Бош бошқармаси бирлашган касаба союз комитетининг раиси.

ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

Ленин район Советининг депутатлари ўз фаолиятларида катта тажриба тўплашган. Сайлов арафасида район Совети ижроия комитети сайловчилар наказларини амалга оширишдек асосий вазифаларини ўринлатиб бажарган энг яхши депутатлар ишини умумлаштирди.

Бу тажриба ҳақиқатдан ҳам диққатга сазовор эканлиги тўғрисида амалий ишлар ҳикоя қилади. Олдинги сайловда сайловчилар томонидан берилган 79 наказнинг ҳаммаси амалга оширилди. Айниқса аҳолига маиший, алоқа ва савдо хизматини яхшилашни кўзда тутган наказларнинг депутатлар томонидан амалга оширилиши яхши натижа берди. Районда 10 та автомат телефон станцияси ўрнатилди, эндигисидан икки баравар кўп қувватга эга бўлган яна битта АТС қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Район маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ўтган йили аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш бўйича шаҳарда биринчи ўринга чиқиб олди.



Тошкент трактор заводининг турар-жой райони йилдан-йилга ободонлашиб ва кўркамлашиб бормоқда. Фақат кейинги йиллар мобайнида бу ерда 5 мингдан ортиқ оила уй тўйини ўтказди.

РАЙОН ОБОДОНЛАШЯПТИ

Маҳаллий Совет, унинг депутатлари фаолиятидаги энг бош йўналишлардан бири сайловчилар наказларини амалга оширишдан иборатдир. Икки ярим йил муқаддам Ҳамза район ижроия комитетида амалга ошириш учун қабул қилинган 110 наказнинг аксарияти ободонлаштириш ва маиший хизмат кўрсатишга қаратилган эди.

Бугунги кунда ана шу наказларнинг ҳаммаси муваффақиятли бажарилди. Жумладан, Авиасозлар шаҳарчасидаги Лисунов кўчасида замонавий савдо маркази қурилиб фойдаланишга топширилди, 15 кўча ва тупикдаги хонадонлар газлаштирилди, Куйбишев шоссесида, Янгиобод массивида автомат телефон ўрнатилди.

Районда уй-жой қурилиши йил сайин кенг миқёсда олиб борилмоқда. маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 45 минг квадрат-метрдан кўпроқ майдонда уй-жой фойдаланишга топширилди. Олтмиш мингдан кўпроқ ҳамзаликлар обод квартираларда уй тўйлари ўтказишди.

• *Совет турмуш тарзи*

КАТТА ОИЛА

Хонадонда фарзандлар борига нима етсин, бундай оила бахтиёр ҳисобланади. Менинг ўн фарзандим бор. Уларнинг ҳар бири дунёга келганда олам-олам қувондим. Улар турмуш ўртоғим йўлдошга ҳам малол келмайди. Қандай қилиб малол келсин, бизнинг бутун бахтимиз, қувончимиз шулар-ку!

Турмуш ўртоғим бутун ҳаёти мобайнида «Главташкентстрой» нинг «Жилстрой» трестида ғишт терувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Тоғниш-тутиши яхши, бизга давлат томонидан ҳам ёрдам бериб турилади, болаларни боқиш ва тарбиялаш фақат ота-оналарга ташлаб қўйилгани йўқ. Бундай ғамхўрликдан бизнинг оиламиз ҳам бахраманд бўлмоқда. Фарзандларимизга бир вақтнинг ўзида ва ой сайин ёрдам бериб турилади, улар доимо диққат-эътиборда.

Биз яшаб турган уйда кўпгина оилаларнинг беш-олтитадан фарзандлари бор. Уларнинг биортаси ҳам ўз тақдирларидан нолишмайди.

Фарзандларими нг ярми ўрта мактабни тамомлади, иккитаси политехника институтида олий маълумотли бўлди, биттаси техникумда ўқияпти, бошқа бири—Совет армияси сафида хизмат қилияпти. Катта ўғлимиз трактор заводида токарь бўлиб ишлайди.

Мен бахтиёр она бўлганим, шунингдек фарзандларим бахт-саодати учун қўлимдан келганча ишлаб чиқаришда меҳнат қилсам, деган ниятда эдим. Фарзандларим оёққа туриши биланоқ, фабрикада каштачи бўлиб ишладим ва эрим билан баравар иш ҳақи топдим. Бу бизга турмушимизни янада яхшилаш имконини берди. Орадан кўп ўтмаёқ оиламизга кенг квартирали уй берилди.

Шулар ҳақида ҳикоя қилар эканман, Советлар ҳокимиятига чин қалбимдан ташаккур айтаман. Биз, оналар, фарзандларимиз ҳақида яна қайси мамлакатда шунчалик ғамхўрлик кўрсатилар экан! Қўшним Кумис Биржановнинг эри бўлиб, оила ғам-ғуссага учраганини эслайман. Агар бу оила капиталистик мамлакатда бўлганда бошига қандай оғир кунлар тушар эди? Унинг болалари дарбадар бўлишар эди. Бизнинг мамлакатда шундай оиларга давлат ёрдам кўрсатмоқда.

Т. КАБИРОВА,

қаҳрамон она.

БАХТИЁР «ЮЛДУЗ»

Бригадир Надежда Авилована КПСС XXV съездди ишига кузатиб қўйганимиз ҳамон ҳозиргидек эсимда. Коллективимиз вакилининг ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик вазифаларини муҳокама қилишга кетаётганида ҳар биримизнинг қалбимиз ифтихор ҳисларига тўла эди. Н. Авилова бир неча йиллардан буён 1-пойафзал фабрикасида ҳалол, виждонан меҳнат қилиб келяпти. Бу эса унинг бахт «юлдуз»ини аниқлаб берди.

Сўнгра пойафзалчилар район Совети депутатлигига Н. Авилованинг номзодини кўрсатишди. У депутат сифатида сайловчиларнинг ишончини тўла оқлаяпти.

Халқ депутати... Халқ хизматкори. Бизнинг мамлакатимизда кўплаб пул учун эмас, балки жамоатчилик олдидаги шахсий хизматлари учун ҳақғўй, ўқимишли кишилар халқ ҳокимиятининг юқори органларига сайланадилар.

Мен мана 30 йилдан ортиқки, фабрикада ишлаб келяпман. Шу йиллар мобайнида менинг кўплаб касбдошларим депутатликка сайланди. Масалан, кетма-кет олти чақириқдан буён 4-цехнинг фрезерчиси Саид Раҳимов район Советига депутат қилиб сайланади.

Санд ўспиринлигида корхонага ишга келган эди. Коллектив уни самимий қарши олди, унга малакали ишчи бўлишида яқиндан ёрдам кўрсатди. Ҳамкасблар и и н г яқиндан кўмаги туфайли у юксак маҳоратга эга бўлди. Мана икки беш йилликдирки, ўн йилликдан норман бажармоқда. У Ленин ордени билан мукофотланган.

Мен Советларга ўқимишли, билимдон кишиларни сайлаймиз; деб бежиз айтмадим. Ҳар қандай меҳнат коллективини олинг, унда кишилар профессионал муносабатда ва сиёсий рухда ҳам ўсишяпти. Кўплар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникум ва олий ўқув юртларида ўқишяпти. Масалан, пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори С. Аюпов ўз меҳнат фаолиятини ишчиликдан бошлаган эди. Ҳозирги кунда у тўқимачилик ва енгил саноат институтини сиртдан тамомлаяпти. У шаҳар Советига депутатликка сайланган.

Фабрикада ҳар қандай ишчининг ўрта ва олий маълумот олиши учун шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ҳозирда 300 дан ортиқ ишчи олий ўқув юртлари ва техникумларининг сиртқи ва кечки бўлимларида ўқимоқда. Етти киши эса институтларнинг кундузги бўлимларида ўқиб, фабрикадан стипендия оляпти. Фақат бизнинг цехдан Заҳро Мўминжонова ва Гуля Зоировалар олий ўқув юртига йўлланма олишди.

Совет мамлакатида ишчи кишига катта ғамхўрлик кўрсатилади. Бундан ўн йили муқаддам бизнинг фабрикада бўлган киши ҳозирда уни таниши қийин. Барча ишлаб чиқариш корпуслари янги қурилган, цехлар кенг, ёруғ. Асбоб-ускуналар ҳам янги, юксак унумли, уларда ишлаш эса осон. Шунинг учун ҳам кайфиятимиз доимо аъло.

Меҳнатимизга яхши ҳақ тўлашади. Шахсан мен ўрта ҳисобда ойига 300 сўмдан маош оламан. Шунингдек, мен каби юксак кўрсаткичга эришаётган ишчилар ҳам ана шунча маош олишади.

Айтарли ҳар йили фабрика касаба союз комитетидан санаторийларга ёки туристик саёҳатга йўлланма олишда имтиёзлардан фойдаланаман. Болгария, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Польшада бўлдим. Ўтган йили фабрика касаба союз комитети фақат санаторийларга йўлланма олишда социал страхование воситаларидан 800 минг сўмлик фойдаланди. Кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари бундай йўлланмаларни бепул олдилар. Бу йил ҳам бундай бепул йўлланмалар Г. Файзуллина, А. Трушчина, З. Шербакова ва бошқа ишчиларга берилди.

Бўстонлиқ районидаги Сойлиқ қишлоғида бизнинг «Учқун» пионер лагеримиз жойлашган. Ҳар йили бу ерда 300 тагача ўғил ва қизлар пионер ёзини кўнгилли ўтказиб қайтишади.

Пойафзалчилар Саройи билан фабрика ёнма-ён жойлашган. Унда бизнинг ёш истеъдодларимиз «Ўсмоқда». Бу ерда музика, амалий санъат, рақс, бичиқчилик-тикувчилик ва бошқа тўгараклар ишлаб турибди.

Бир неча кунлардан сўнг биз сайловчилар коммунистлар ва партиясизларнинг бузилмас блокининг муносиб вакилари учун қувонч билан овоз берамиз. Биз халққа хизмат қилишнинг юксак постига ўтираётган ҳар бир кишига чин юракдан катта ишонч билдирамиз.

А. СОКОЛОВА,

1-пойафзал фабрикаси бичиқчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

ҲУҚУҚСИЗЛИК ДУНЁСИДАГИ «ИНСОН ҲУҚУҚИ» ҲАҚИДА

«ДЕМОКРАТИЯ» ҚАНЧА ТУРАДИ?

Ривожланган социалистик жамиятда демократия сўзи ўзининг туб маъносида, яъни чинакам халқ ҳокимияти деган фикрда англашилмоқда. В. И. Ленин айтганидек, бизда давлатни «Советларга бирлашган халқ» бошқаради. СССРда кейинги икки ўн йиллик мобайнида Советларда 20 миллион киши депутат сифатида давлат ишини бажарди. Бугунги кунда қариб 30 миллион граждании Советлар активистидир.

Советларни бутун совет халқи вакиллари ташкил этади. Депутатларнинг составини мамлакат аҳолисининг ижтимоий, профессионал, ёш структураларини ўзида акс эттирган.

Совет ҳокимиятининг олий органидаги халқ ваколатининг кенг миқёсини буржуазия парламентлари билан солиштириб бўлармиди? Гарбий Германия-нинг «Вельт дер арбайт» газетаси образли қилиб таъкидлаганидек, буржуа парламентларида ишчиларни «қўлга лупа олиб қидириш керак бўлади». ГФР бундестагида 518 нафар депутатнинг фақат 8 нафаригина ишчилардир. АҚШ конгрессида бироната майда фермер йўқ. Ҳолбуки, конгресс аъзоларининг ҳар 10 тасидан 8 нафари йирик бизнесменлар, банкирлар, малакали сиёсатдонлардир. Америкаликларнинг ўзи конгрессни «бойвачалар клуби» деб аташлари бежиз эмас.

Бизнинг мамлакатимизда давлат ҳокимияти органларини тузиш чинакам умумхалқ ишига айланган. Сайловларда амалда барча сайловчиларнинг иштирок этиши, коммунист ва партиясизлар блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришлари меҳнаткашлар истагининг якдиллигидан, улар партия ва давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаганлигидан дарак беради.

Капиталистик мамлакатларда борган сайин кўпроқ сайловчилар овоз беришдан бош тортмоқдалар. АҚШда 1976 йили бўлиб ўтган президент сайловларида сайловчиларнинг фақат ярмига яқинигина, кейинчалик бўлган оралиқ конгресс сайловларида эса сайловчиларнинг тахминан учдан биригина иштирок этди. Бу мамлакат овоз бермайдиган сайловчиларнинг сони жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Хўш, сайловчилар нимага овоз беришсин? Улар хоҳласа-хоҳламаса ҳокимият трестлар ва картелларнинг қўлида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, деб ёзган эди асримиз бошида Теодор Драйзер. Бугунги кунда ҳам халқ сайловларни оммавий равишда сиёсий бойкот қилмоқда. Бу эса ҳукмрон доираларнинг халққа қарши сиёсатига ўзига хос норозиликдир. АҚШ президенти Картер яқинда америкаликларни сайлов қутиларига жалб этиш борасида «салб юриши» эълон қилишга мажбур бўлди.

Бироқ «жалб қилиш»нинг ҳар қандай шовқинли кампанияси ҳам унга ёрдам беролмайди. Негаки, бу ерда энг муҳим нарсани — АҚШда бутун сайлов системасини ўзгартириш керак.

Биз сайлов ўтказиш учун барча харажатларни давлат бўйнига олганлигига қўникиб қолганмиз. Бу нарса депутатнинг қандайдир группалардан, маҳаллийчилик манфаатларидан мустақил ҳолда жавобгарлигини ҳис қилишига ёрдам беради. Аммо бу нарса депутатнинг қандайдир группалардан, маҳаллийчилик манфаатларидан мустақил ҳолда бўлишини ва бу билан ҳар бир граждании реал сиёсий ҳуқуқини — депутат бўлиш ҳуқуқини таъминлайди. Капиталистик мамлакатларда бундай гаплар бутунлай йўқ. Бу мамлакатларда сайлов кампанияси катта молиявий маблағлар талаб қилади. Францияда парламентдан жой олишни истаган киши сайловолди кампанияси учун камида 50—60 минг франк сарфлашга лозим. Америка матбуотининг маълумотига қараганда, АҚШ конгрессининг вакиллар палатасидаги битта ўрин ўртача 600 минг доллар, сенатор курсиси эса 3 миллион долларгача туради. 1978 йили АҚШда сайлов кампаниясининг нархи рекорд даражага — 200 миллион долларга чиқиб кетди.

Бу улкан харажатларни ким тўлайди? Буржуа партияларни молиявий маблағининг катта улуши йирик бизнес зиммасига тўғри келади. Масалан, Рокфеллерлар XX асрда республикачилар партиясига 250 миллион доллар ҳадя қилишган. 1978 йили Техас нефть компаниялари ўз кандидатлари учун 20 миллион доллар ажратишган. Япония либерал демократик партияси йирик корпорациялардан йилига 8 миллиардга яқин иен, инглиз торилари эса миллион фунт стерлингдан ортиқ маблағ олиб турадилар.

Ким кўпроқ тўласа, кимни монополиялар кўпроқ қўллаб-қувватласа, сайловда ўша ғалаба қозонади. Уларни қўллаб-қувватлаган монополиялар кейинчалик йирик давлат пудратлари ёрдамида яна кўпроқ мол-дунё орттириб оладилар. Шундай қилиб, оддий меҳнаткаш буржуа парламентининг ташқарисида қолиб кетаверади. АҚШдаги қайси ишчи ўз сайлов кампанияси учун миллион доллар ва ундан ҳам кўпроқ маблағ сарфлаган ҳамда шу туфайли кейинги сайловларда ютиб чиққан Р. Брэдли, Дж. Уорнер, Н. Кассбаум, А. Симпсон сингарилар билан беллаша оларди?! Шундай экан, америкаликларнинг «пул — сиёсатнинг она сутидир» деган гапига қўшилмай бўлмайди.

Бу ҳукмрон доиралар сайлов системасини сақлаб турган нарса фақат пул эмас. АҚШдаги 50 штатнинг ҳар бирида ўзларига «ўтиришмаган» кандидатларни сайланиш ҳуқуқидан чекловчи ўзига хос сайлов қонунларини бор. Масалан, Делавэр штатида коммунистларни албатта полиция рўйхатидан ўтишни талаб қиладилар. Полиция эса албатта уларни рад этади. Гарбий Вирджиния штатида эса ақл бовар қилмас талаб бор. Президент ёки вице президентликка номзодини кўрсатган одам махсус солиқ тўлаши шарт.

Буларнинг барчасидан мақсад сайлов жараёнини монополияларга бўйсунган демократлар ва республикачилар партиясининг назорати остида сақлаш, конгрессга меҳнаткашларни яқиналштирмасликдан иборатдир.

Яқинда АҚШ ўзининг 96-чақириқ конгрессини бошлади. Лекин бу ерда «янги ва қариллар» жуда оз. 77 конгрессчидан фақат 20 сенаторгина янги ҳисобланади. Булар ҳам худди аввалги монополистик доираларнинг вакилларидир.

Бизнинг мамлакатимизда депутатлар халққа хизмат қилади ва халқ олдида ҳисоб беради. Улар аҳоли билан, меҳнат коллективлари билан чамбарчас боғланган. Халқ ўртасида яшайди ва ишлайди. Ўзининг ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда халққа хизмат қилади.

Буржуазияда эса парламентчилик фойдали сиёсат ҳисобланади ва бу касб жуда катта даромад келтиради. Америка конгрессмени бир йилда 57 минг 500 доллар олади. Бу расмий даромад, «Капиталистик мамлакатларда рўй бераётган кўплаб сиёсий можаролар шуни кўрсатяптики, буржуазия парламентчилари қонунсиз даромадлардан ҳам бўйин товлаб ўтиришмайди. Улардан энг каттаси катта бизнес оламдаги лоббизмдир. АҚШда ҳар бир конгрессчига ўнлаб лоббистлар тўғри келади. Улардан бири «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасида сурбетларча баён қилганидек, «кимга қандай қонун керак бўлса, нақд пулга сотиб олиши мумкин».

Буржуа идеологлари ва сиёсатчилари капиталистик системани «тенг имкониятлар жамияти» деб баҳолашни яхши кўрадилар. Лекин ҳаётнинг ўзи бу афсонани рад этмоқда. Меҳнаткашлар манфаати билан монополиялар манфаати, оддий сайловчилар манфаати билан ҳукмрон доиралар манфаати бир-бирига мутлақо тескари қутбда турган шароитда қандай тенглик ҳақида гап бўлиши мумкин? Шу боисдан «умум гуллаб-яшнаш», «фаровонлик» назарияларини халқ оммасини атайлаб алдашга қаратилган алдовдан бошқа нарса эмас. Кенг пропаганда қилинаётган «кисон ҳуқуқи» деган гап шунчаки ёлғондан бошқа нарса эмас. Озодлик — кўз бўямачиликдан, демократия - демагогиядан иборат.

В. И. Ленин таъкидлаганидек, буржуазия демократияси гоят тор, иккиюзламачи, ёлғончи, қалбаки, фақат бойлар учун демократия-ю, камбағаллар учун алдамчилик бўлиб қоларверади. Чинакам демократия, реал сиёсий ва граждаилик ҳуқуқлари фақат социалистик жамиятда бўлиши мумкин.

В. ГАЛОЧКИН,

фалсафа фанлари кандидати.

«Комсомольская правда» газетасидан.

2 ЮШКЕНТ бегоқшоми

20 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Шифокор қабулида

ЖИГАРНИ АВАЙЛАНГ

Тобим қочиб поликлиникага борган эдим, жигарингиз касал бўлибди, дейишди. Бу касалликка нима сабаб бўлди экан? Умуман, жигар хасталигининг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Наима ШОМАНСУРОВА,
тўқувчи.

Жигар киши организми фаолиятида муҳим ўрин тутади. У мураккаб ва айни пайтда кишининг нормал ҳаётини таъминловчи ажойиб аъзо ҳисобланади, чунки жигар танада модда алмашинишини йўлга солиб, организмда юзага келадиган заҳарли моддаларни зарарсизлантиради, қонни ҳар қандай чиқиндилардан тозалаб туради, бошқача айтганда кучли фильтр вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам жигар фаолиятининг бузилиши кишида турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шундай экан, бу бебаҳо, заҳматкаш аъзони авайлаш, асраш керак.

Жигар иш тарзининг издан чиқиши туфайли келиб чиқадиган энг кўп учрайдиган касалликлар жигар гепатити ва цирозидир. Одатда, жигар касалликлари билан оғриган беморларда тери ва кўз оқ қисмининг сарғайиши, аллергик тошмаларнинг пайдо бўлиши, терининг қичишиши, жигар устида оғриқ тутиши кузатилади. Шуниндек, жигар қора талогининг кенгайиши, қорин бўшлиғида сув йиғилиши (асцит) ҳам мумкин. Беморнинг умумий ҳолати ҳам ўзгаради. Кўнгил айниди, ич кетади, пешоб ва ахлатининг ранги ўзгаради. Агар бу касалликларга қарши тезда чора кўрилмаса, оқибати ёмон бўлади.

Хўш, жигар касалликларидан қандай қутилиш мумкин? Умуман бу дардга чалинмаслик учун нималар қилиш керак?

Аввало ўткир ва сурункали гепатит ҳақида фикр юритайлик. Бу хасталик жигар паренхимаси (жигарни ўраб турувчи қават)нинг ички магзи ялигланишидан иборат касалликдир. Ўткир гепатит юқумли гепатит ва сивороткали гепатит (заҳарли кимёвий моддалар таъсирида юзага келадиган касаллик)га бўлинади. Гепатитнинг кейинги формаси ичакдан қон орқали жигарга заҳарли моддаларнинг ўтиши туфайли пайдо бўлади. Шуниндек, врач маслаҳатисиз сульфаниламид, мишьяк каби дориларни пала-партиш истеъмол қилиш, айниқса спиртли ичимликни сурункали ичиш ҳам бу касалликни келтириб чиқаради.

Ўткир гепатитнинг олди олинмаса, бемор оғирлашиб унда ўткир жигар дистрофияси (жигар тўқималарининг емирилиши) пайдо бўлади. Бундай ҳолда бемор соғлигини тиклаш анча қийин бўлиб қолади.

Ҳар бир касалликда бўлгани каби бу хасталикдан қутилишнинг ҳам чораси бор, албатта. Лекин бемор касалхона шароитида даволаниши шарт. Мазкур касаллик билан оғриган беморлар тузалиб чиққач, ками билан уч ой, кўпи билан олти ой врач назоратида бўлишади. Ана шу вақт мобайнида оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш ман этилади. Шунингдек, бемор парҳезга қатъий риоя қилиши лозим, чунки парҳез ярим даво демакдир. Ҳамма парҳез таомларни даволовчи врач белгилаб беради.

Баъзи ҳолларда ўткир гепатит сурункали формага ўтиб кетиши ҳам мумкин. Сурункали гепатит кўпроқ безгак, ўпка сили, заҳм, бруцеллёз ва юқумли сариқ касали каби хасталикларнинг асорати сифатида учрайди. Бу касаллик билан оғриган беморларда ҳам ўткир гепатитдаги каби ҳолатлар юз беради, лекин улар бир оз ҳавфлироқ бўлади, узоқ даволашни тақозо этади.

Жигар циррози эса юқорида баён этилган касалликларга бепарво бўлишдан ёки нотўғри даволанишдан келиб чиқади. Бу касалликни даволаш ҳам юқоридагидек тарзда, лекин интенсив равишда бўлади. Бемор кучайтирилган қатъий режим остида парвариш қилинади.

Хулоса шуки, ўткир ва сурункали гепатитни, жигар цирозини юзага чиқарувчи манбалар деярли бир хил экан. Демак, жигар фаолиятида юз берган озгина салбий ўзгаришга бепарво бўлинса, оқибати ҳунук бўлади, яъни бир касаллик иккинчисини етаклаб келаверади. Шундай экан, танангиздаги энг муҳим аъзо — жигарни турли касалликларга чалинишдан эҳтиёт қилинг. Агар бирор нохушлик сезсангиз, тезда врачга мурожаат этинг.

Ш. ШОЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

ДИАБЕТГА ҲУЖУМ

Юрген ЦАПФ,
«Нойе Цюрхер Цайтунг». Цюрих.

Қанд диабети узоқ вақтгача ҳам сирли, ҳам хатарли касаллик бўлиб келган. Одамлар бу хасталикдан даҳшатга тушар эдилар. Асримиз бошида ҳам диабетдан минглаб одамлар вафот этар, врачлар эса уларга ёрдам беролмас эдилар. Беморлар ҳолдан тояр, қаттиқ чанқоқ ва «очофатликка» йўлиқар, тез-тез пешоб келар, буларнинг барчаси бир бўлиб охири касални йиқитар эди. Касалликнинг охирига борганда бемор оғир-оғир нафас олар, унинг нафасида ацетон ҳиди сезилиб турарди. Ниҳоят беморлар чуқур уйқуга кетар ва қайтиб уйғонмас эди.

Кейинги 50 йил мобайнида бундай манзара анча кам учрайдиган бўлиб қолди. Инсулин пайдо бўлганидан кейин бу хасталик аввалгидек даҳшат солмай қўйди. Инсулиннинг кашф этилиши ҳақли равишда медицинанинг улкан ютуқларидан бири сифатида баҳоланади. Бироқ бу кашфиётгача бўлган масофа узоқ ва машаққатли бўлди.

ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР

Ғарбий Европа врачлари XVII асрнинг охиригача диабет касаллигининг муҳим белгиларидан бири — бемор пешобида қандининг кўпайиб кетишлиги эканлигини билишмас эди. Ҳолбуки, ўрта аср врачлари ҳам беморга диагноз қўйишда унинг пешобини текшириб кўришни доимий одат қилганлар. Улар пешобнинг фақат ташқи кўринишни, ҳидинигина эмас, ҳатто мазасини ҳам текшириб кўришган. XVI асрнинг улуғ врачи Парацельс ўз асарларида албатта шундай қилишни тавсия этган. Эҳтимол унинг ўзи «қуруқ туз» мазасини тотиб кўрмагандир, лекин табиблар буни албатта тавсия қилган. Фақат 1674 йилга келибгина инглиз врачи Томасс Уиллис баъзи беморлар пешобида шакар маза борлигини пайқаган.

Шуниси қизиққи, XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб табиблар диабетнинг асосий комилизни аниқлашга жуда яқин келдилар. Улар ошқозон ости бези билан қизиқиб қолдилар. Лекин бундан 300 йил илгари табиблар бу органнинг ички секрецияси, углевод алмашинуви, оқсиллар синтези сингари масалаларнинг моҳиятини билмас эдилар. Кейинги йилларда ошқозон ости безига қизиқиш кучайди. Лекин диабет сирлигича қолаверди. Бу хасталикни тадқиқ этишда 1889 йил Йозеф Меринг билан Оскар Минковский катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар итлардаги ошқозон ости безини ажратиб олишди. Бу органнинг модда алмашинувига қандай таъсир қилишини билмоқчи эдилар. Тадқиқотчилар шуни аниқлашдики, операция қилинган итларда пешоб қанча кўп ажралиб чиқса, чанқоқ ҳам, иштаҳа ҳам шунчалик кучаяркан. Жониворлар ҳар қанча овқат емасин ҳолдан тойиб озиб-тўзиб кетди. Уларнинг пешобида ацетон пайдо бўлди, қонида эса қанд моддаси кўпайиб кетди. Бу эса диабет белгиси эди. Лекин Минковский шу тажрибанинг ўзи билан чекланмади. У диабет касаллиги ошқозон ости безининг йўқлигидан келиб чиқишини аниқлаш мақсадида соғлом итнинг ошқозон ости безини олиб хасталанган итга ўрнатди. Шунда итнинг аҳволи яхшиланди. Безни қайта олганда эса жониворнинг аҳволи яна ёмонлашди. Шундай қилиб Минковский ошқозон ости безида углевод алмашинувига ҳизмат қиладиган хусусият борлигини аниқлади.

Меринг ва Минковский бутунлай йўқ бўлиб кетиши. Катталар диабетида эса ошқозон ости бези инсулин ишлаб чиқаришга қодир бўлади, лекин ишлаб чиқарилаётган инсулин миқдори билан организмнинг мана шу моддага бўлган талаби бир-бирига мос келмайди. Шу тариқа модда алмашинуви бузилади.

эришган муваффақиятдан кейин орадан 32 йил ўтгач канадалик икки олим Бантинг билан Бест инсулин асосида янги дори яратдилар. Врачлар бу дори билан диабетга ҳужум бошлашди.

ИНСУЛИН АЖОЙИБОТИ

Инсулин — тўқималарнинг тузилиши ва энергия тўплашда ғоят муҳим аҳамият эга бўлган гормондир. У углевод, ёғ ва оқсил алмашинувига таъсир қилади. Бу гормоннинг муҳим хизматларидан бири ёғ ва мускул тўқималарига қанд моддасини ўтказиб беришдан иборат. Агар инсулин йўқолса мускул ва ёғ тўқималари қонда эрган қанд— глюкозани ўтказмай қўяди. Шу тариқа ҳар иккала тўқима ҳам глюкозани ўзига шимиб олмайди. Шу тариқа қанд моддаси қайта ишланмаган ҳолда қонда қолиб кетади...

Инсулинсиз жигар ҳам ўзида қандни тўплай олмайди. Аксинча бундай пайтда у аминокислоталардан қўшимча глюкоза ишлаб чиқара бошлайди. Бундай пайтда қанд моддаси организмдан буйрак ёрдамида ташқарига чиқариб юборилади. Қанд билан бирга сув ҳам чиқиб кетади. Шундай қилиб беморда пешоб тез ажрала бошлайди. Қонда қанд кўпайиб суюқлик камайиб кетгач, бемор тўхтовсиз сув ича бошлайди. Оқсил синтези бузилганидан кейин беморнинг иштаҳаси «карнай» бўлади-ю, ўзи барибир озиб кетаверади...

ЁШДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР

Диабет ҳеч қачон бир хил манзарада намоён бўлмайди. Ҳозирги пайтда диабетнинг камида икки хил формаси бор. Бу—ёшлар ва катталар диабети. Катталар диабети

ИНСУЛИН АЖОЙИБОТИ

Қадимдан маълумки, диабет кўпинча оилавий касаллик сифатида учрайди. Лекин шу пайтга қадар бу касалликнинг суяк суриш схемаси аниқланган эмас... 1977 йилда Бостон шаҳридаги Жослин клиникасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ота билан она диабет бўлса уларнинг болаларидан фақат 7 процентигина 38 ёшгача бу хасталик билан касалланган, мана шу 7 процентдан фақат 1 процентигина ёшлик пайтида диабет хасталигига учраган. Шунинг учун ҳам диабет касаллиги бундай хасталикка организмнинг ўзида мойиллик бўлган тақдирдагина ёшликданоқ суяк суради, деб ҳисоблашга асос бор.

ВИРУСЛАР ТАЪСИРИ

Олимлар баъзи тажрибаларга асосланиб ёшлар ўртасида диабет вирус ҳам сабабчи бўлишини аниқладилар. Яқинда мана шу фикрни тасдиқлайдиган воқеа рўй берди. Америка тадқиқотчилари диабет билан касалланиб бир неча кун ичида вафот этган 10 яшар боланинг ошқозон ости безидан вирус ажратиб олдилар. Улар бу вирусни сичқонларга юқтиришди. Жониворларда ҳам хасталик белгилари пайдо бўлди. Энди биз тўла асос билан айта оламизки, диабет касаллиги фақат суяк суриш туфайлигина рўй бермас экан. Айрим одамларда бу хасталик конкрет ташқи таъсирлар туфайли рўй бериши мумкин экан. Лекин катта ёшдаги кишилар ўртасида учрайдиган диабет кўпроқ суяк суриш туфайли рўй беради. Бу ўринда семизлик энг муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, катта ёшдаги диабетлар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказиш катта аҳамиятга эга.

СУНЪИЙ ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Ёшлар ўртасида учрайдиган диабет хасталиги учун инсулин ҳозирги пайтда ягона дори бўлиб турибди. 1922 йилда диабетларни инсулин билан даволаш бошланганида врачларда катта умид ва ишонч уйғонган эди. Лекин бундай ҳудратли дорини ишлатиш янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Гап шундаки, диабетнинг ўзидан қолдирадиган асоратлари ҳам бор. Бу хасталик биринчи навбатда кўз ва буйрак қон томирларини зарарлантиради, кейинчалик эса ҳар куни инсулин олиш организмда инсулин моддасининг ўзига хос тартиб билан ўсиб ва камайиб турувчи физиологик жараёнига мос келмай қолиши мумкин. Бу жараён одамнинг ейдиган овқати билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан диабетга қарши курашни давом эттиришнинг янги йўллари изланмоқда ва бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Бундан бир неча йил илгари ошқозон ости безини бутунлай ёки унинг айрим ҳужайраларини бир организмдан иккинчисига ўтказиш устида тажрибалар қила бошланган эди. Бироқ, гарчанд олимлар ҳайвонлар устида ўтказилган тажрибаларда умидли натижаларга эришган бўлсалар-да, одам устидаги тажриба яхши натижа бермади. Шунга қарамай бутун жаҳонда бу борада изланишлар давом этяпти.

Касалликка қарши курашнинг яна бир йўли — сунъий ошқозон ости безини яратишдан иборат. Сунъий без организм билан сингишиб кетиши, кейин эса бемор қандай овқатланишидан қатъий назар инсулин секрецияси жараёнини давом эттириши лозим. Лекин бу йўлда ҳам ҳали амалга оширилмаган техчикавий муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Цюрих шаҳрида ҳам бу борада тажрибалар давом эттирилаяпти. Ҳозирги пайтда махсус жеҳжи аппарат синаб кўрилмоқда...

Диабет табиатини аниқлашда кейинги йилларда биохимия ва патофизиология соҳаларида муваффақиятлар қўлга киритилди. Улар ҳозирча фақат фан учун аҳамиятли бўлиб кўриниши мумкин. Лекин бундай тадқиқотларсиз амалий жиҳатдан аҳамиятли натижага эришиш ҳам мумкин эмас.

«За рубежом»дан қисқартириб олинди.



Маҳфузахон Мансурова кўп йиллардан бери 6. шаҳар касалхонасининг поликлиникасида медицина регистратори бўлиб ишлаяпти. У ширин-суханлиги, меҳрибонлиги билан коллектив ва беморлар эътиборига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) поликлиниканинг стоматолог врачи К. А. Брагинская, медицина ҳамшираси А. К. Горбунова ва М. Мансурова беморнинг касаллик варақасини текшириб кўришмоқда.

И. Шоҳноғомов фотоси.

ОРАСТА БЎЛИНГ

ЮЗ ПАРВАРИШИ

Эрталаб наҳорга ва кечқурун овқатланиш олдидан бир дона ҳўл мева ейишга одатлансангиз юз териси яхши йилтиллайдиган бўлади. Ҳафтада бир марта сут ва ҳўл мевалардан ейиш ҳам терининг яхшиланишига ёрдам беради. Лекин аччиқ ва шўр таомларни, тузланган нарсаларни кўп ейиш юз терисини дағаллаштиришини ҳам унутманг.

Ҳар куни эрталаб юзни совуқ сув билан ювиб, пахта билан артилса ҳам юз терисини юмшоқ тортади. Шундан кейин юзга озиқлантирувчи кремдан сурсангиз бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ

БИЗ ШУНДАЙ СЕВАЙЛИК

Биз шундай севайлик унутиб ўзни,
Завол етсин ҳижрон пойдеворига.
Мунажжим кашф этиб янги юлдузни,
Елборсин, неминги бер, деб ёрига.

Қизнинг исми билан Юлдуз аталсин,
Бу ҳол ишқ белгисин англатсин аён.
Буни шарҳ этмакка шоир лол қолсин,
Ифодаси учун тополмай баён.

Ҳаёт фасларин кўкламн— севги,
Унинг келиши ҳам ҳақ ва муқаррар.
Бутун борлиғингга ҳакам шу севги
Бир уммонки, унда мардлар оқарлар.

Шундай эркин нафас олиб бемалол,
Баҳорини кутсин урён дарахтлар.
Севги офтобидан сўнгги қор мисол,
Эриб битсин токи барча ҳасратлар.

СТУДЕНТЛИК ЙИЛЛАРИ

Эркин ВОҲИДОВга

Шоир дўстларимнинг севган мавзусин
Тилади менинг ҳам шеърпараст кўнглим.
Бу гал мен сизларга ҳавас қилдим чин
Талаба укам ва толиба синглим.

Даҳр денгизида умр кемаси
Юзиб бормоқдадир манзилн томон.
Бундан чорак аср аввал, чамаси,
Биз ҳам студентлик бахтин туйган он,

Бугун қалб мавжида ясади тўлқин,
Кўзларга ёш қалқиб чиқди негадир,
Бу чоғ борлиғимга ҳоким шу ёлқин
Бағримда беадад кучга эгадир.

Едингдами, Эркин, ўшанда дастлаб
Ёшлик дафтарини сен нақш этгансан.
Дарвоқе, Сен азиз дўстларин қўмсаб,
Кейин ул дамларга шеър бахш этгансан.

Нечоғлик илм уйи ичра тўла юр,
Бугун ҳам хўб гавжум бўлиб турипти.
Ўйланмай, бу сафга қўшилайлик, юр,
Ёшлик хиёбони тўлиб турипти.

Не бахтки, бу лаҳза кўклам элидан
Порлоқ хотироглар шамоли елди.
Фаргоналик қизнинг жозиб тилидан
Ўтлиғ ғазалларинг эшитгим келди.

Гуфтори шакар ул, Хива кизнининг
Бир ажиб саф чекиб келаётирлар
Хасталикдан нари бедоғ, безавол
Оқ қоғоз бағрига соғлом сатрлар.

Анвар ИСРОИЛОВ.

СОҒИНИШ

Ногоҳ гувоҳ бўлдим: икки қадрдон
Бир-бирининг азиз васлига тўйиб,
Кўришмакда эди бир хайрли он,
Кўзда ёш, бағрига бағрини қўйиб.

Оқибат ҳақида ўй сурдим яккаш,
Бу туйғу нечоғлик камёб ва қадим.
Олисдаги дўстлар, негадир дил ғаш
Жуда кўргим келиб сизни ўйладим.

Ғавойиб ишлар кўп даҳр боғинда,
Айлангувчи фалак сирга тўладир.
Кимдир дард чекканда дўст фирогинда,
Кимлардир учрашиб турган бўладир.

Шеърим замирида оддийгина гап;
Келинг, бир-биримиз соғинган нафас,
Масъум чеҳраларни бир кўркам истаб,
Ул икки кимсага қилайлик ҳавас.

КАСАЛХОНАДА

Узилиб тушгандай пок орзулардан
Гуллар ял-ял ёнур боғда напармон.
Гоҳ шифо кутамиз биз дорулардан,
Гоҳо муҳаббатдан излаймиз дармон.

Азизим, қадрдон қаддинг кўринди
Ногоҳ шифохона йўлкаларида.
Кўёш нури ёнди, зулмат сурилди
Беморликнинг маҳзун ўлкаларида.

Не тонг, қадами хуш меҳмонлар мисол,
Бир ажиб саф чекиб келаётирлар
Хасталикдан нари бедоғ, безавол
Оқ қоғоз бағрига соғлом сатрлар.

Анвар ИСРОИЛОВ.

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

ЙЎЛОВЧИНИ ХУШНУД ЭТИБ

БУГУН

шаҳримиз кўчаларида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган маршрут таксилари қаторига яна 13 та янги микроавтобус қўшилди. Янги машиналар йўловчилар энг кўп маршрутларда қатнайди.

Маршрут таксилари 2-автотранспорт корхонаси шофёрлари йил бошидан бери салкам бир ярим миллион пассажирга хизмат кўрсатишди. Ҳозирнинг ўзида ўнга яқин ҳайдовчи шахсий беш йиллик планларини бажариб қўйди. Улар орасида М. Азизов, А. Абдусаломов, А. С. Чернецов, А. С. Шанин каби меҳнат илғорлари бор. Бу шофёрлар кунлик планларини мунтазам ошириб бажаришмоқда.

Эндиликда шаҳримиздаги 22 маршрут бўйлаб ҳар куни 140 та микроавтобус қатнаяпти.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ХОЛИЕВ: Қарилик пенсиясига чиқиб, 50 сўм миқдорида пенсия олаётган ва айни пайтда соқчилик лавозимида ишлаётган киши агар бошқа жойда ҳам ишлаш имкониятига эга бўлса, ўзи ишлаб турган ташкилот маъмуриятидан иш графиги ва уни бошқа жойда ишлашига розилиги ҳақида справка олиши лозим. Ҳар икки ташкилот маъмуриятининг розилиги бўлган тақдирдагина у бу жойларда ишлаши мумкин.

∴∴∴

С. ҲИКМАТОВ: Олий ўқув юртида ўқитувчилик қилаётган киши бошқа олий ўқув юртига ишга ўтганда унинг меҳнат стажида узилиш бўладими ёки бўлмайдими?

Жавоб: Узлуксиз меҳнат стажини аниқлаш тартиби ҳақидаги қоидага кўра, конкурс шартига мувофиқ ҳолда олий ўқув юртларидаги профессорлик, муаллимликка ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходими бўлган кишилар конкурсга мувофиқ ўзлари ишлаган ёғаллаб турган лавозимга янги муддатга сайланганлиги сабабли ишдан озод қилинганда бир ой муддатда бошқа ишга жойлашсалар, уларнинг меҳнат стажларида узилиш бўлмайди.

∴∴∴

А. ҚОДИРОВА: Республика ДОСААФининг Тошкент аэроклуби бор деб эшитдим. Иложи бўлса, аэроклубнинг қаерда жойлашганлиги ва унга қизларнинг қабул қилиниши ёки қилинмаслиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Республика ДОСААФининг Тошкент аэроклуби Халқлар дўстлиги проспектидаги 28-уйда жойлашган. У ерга метро орқали бориш жуда қулай. «Чилонзор» бекатидан юқорига чиқсангиз аэроклуб биносига дуч келасиз.

Аэроклубда спортчи-учувчи ва спортчи парашютчилар тайёрланади. Парашютчилар клубига кирувчилар спортнинг бирон тури бўйича разрядга эга бўлишлари шарт. Ҳар икки бўлимга ҳам 17 ёшдан 23 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Аэроклубга кирувчилар бирор жойда ўқиётган ёки ишлаётган бўлишлари шарт. Чунки машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилади.

∴∴∴

Т. НОРОВА: Ҳозир ўрта мактабда ўқияпман. Спортнинг камондан отиш тури билан шуғулланиш ниятим бор. Бу ниятимни қаерда амалга оширишим мумкин?

Жавоб: Камондан отиш сирларини «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида ўрганиш мумкин. Жамият маъмурияти Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. Ўзингизни қизиқтирган масала бўйича 77-06-47, 77-82-70 телефонларига кўнғироқ қилиб, батафсил маълумот олишингиз мумкин.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

АНСАМБЛНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

Чилонзор районидаги 3-маданият уйи қошидаги «Аврора» вокал-чолғу ва «Ёшлик» рақс ансамбллари Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловларга бағишланган махсус концерт программаси тайёрлашди.

— Куни кеча бадиий ҳаваскорларимиз янги программани томошабинар кўригидан ўтказишди, — дейди маданият уйи директори Е. Т. Сабаева. — Ёшларнинг куй, қўшиқ ва рақслари шаҳримизда бўлиб ўтган ёзги меҳнат семестри ташкилотчиларини и г Бутуниттифоқ семинари иштирокчиларига ҳам манзур бўлди. Тингловчилар айниқса, З. Исмоилова, Б. Ғаниев, П. Новиков каби ҳаваскор хонандалар ижро этган «Ёшлигим», «Ялла» қўшиқларини мароқ билан тинглашди.

Ҳозир маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлик ансамбларида 200 дан ортиқ йигит ва қиз қатнашяпти. Улар Советларга сайловлар куни сайлов участкаларида ўн марта концерт кўрсатишади.

МОСКВАДА НАШР ЭТИЛДИ

Москвада нашрдан чиққан «Янги номлар» («Новие имена») туркумидаги китобчада ёш ўзбек рассоми ижоди бундай деб таърифланган: Ж. Умарбековнинг асарлари санъатнинг замонавий проблемаларига сезгирлик билан муносабатда бўлиши, ўз диёрига, қадрдон халқига муҳаббат туйғулари билан ажралиб туради. Тошкентлик кўп болали эткидўз оиласида воягa етган рассомнинг ижодий камолати тўғрисида ҳикоя қилувчи китоб муаллифи М. Монц Жавлон Умарбеков ўз халқининг қадимий маданияти моҳиятини тушунишга, унинг тасвирий санъати анъаналарини ўрганишга интилади, уларни ўз асарида тасвирлашга ҳаракат қилади, деб таъкидлайди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕРМАЛ СУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

БУДАПЕШТ. Венгрияда термал сувлардан фойдаланиш программаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 500 тадан кўпроқ булоқ сувининг ҳарорати 35 градусдан ошади.

Программа шифобахш суви бўлган бальнеосанаторийлар ва касалхоналар янада кенгайтирилиш ишларини кўзда тутади. Иссиқ булоқларнинг энергиясидан теплица ва гулхоналарни иситишда, уй-жой ва муассасаларни иситишда фойдаланиш мўлжалланади.

ГРИПП ЭПИДЕМИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатларда грипп эпидемияси авж олмоқда. Вирҳиния штатининг Атланта шаҳридаги касалликларни контроль қилиш миллий марказининг маълумотларига кўра, кейинги уч ҳафтада 1800 нафардан кўп америкалик мана шу касалликдан нобуд бўлган. Эпидемия Коннектикут, Мэн, Массачусетс, Нью-Гэмпшир, Род-Айленд, Вермонт, Нью-Жерси, Миннесота, Невраска, Монтана, Юта ва Орегон штатларида, шунингдек Нью-Йорк штатида айниқса қаттиқ ўтмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

СОФИЯ. Агросаноат комбинатининг ходимлари ранг-баранг миллий ғийимларда, ашула айтиб, шод-ҳуррамлик билан Болгария токзорларига чиқишди. Ток навдаларини қирқиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳар йили 14 февраль куни республикада соҳибкорлар куни ана шундай нишонланади.

Ғарчи мамлакатда узумчилик узоқ тарихга эга бўлсада, у халқ ҳокимияти йилларидагина саноат асосида ривожланаётган қишлоқ хўжалик тармоғига айланди. Ҳозирги вақтда республикада 200 минг гектар ер токзорларга айлантирилган. Болгария Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга узум, вино, шунингдек ток қаламчалари етказиб берувчи асосий мамлакатдир.

* * *

БАФУСАМ (Камерун). Камерунда ҳозирги вақтда йилига 2 миллион тонна нефть қазиб чиқарилмоқда. Республика президенти А. Ахижо бу ерда ҳукмрон Камерун миллий иттифоқи партиясининг III съездида сўзлаган нутқида, шу тўғрида маълум қилди. Камерун яқин йилларда ўзининг нефтга, нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бутунлай таъминлай оладиган ва ҳатто уни экспорт қиладиган бўлади, деб таъкидлади, у.

Шу мақсадлар учун, деди президент, ҳозирги вақтда Виктория районида нефтни қайта ишловчи завод қурилмоқда. Бу заводнинг дастлабки қуввати 1981 йилда ишга тушириладиган пайтда йилига 1,5 миллион тонна нефть маҳсулотлари етиштириб беришга тенг бўлади.



Афғонистон Демократик Республикасининг пойтахти— Кобул шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида.

3 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

20 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

Физкультура ва спорт

«БУРЕВЕСТНИК» ҒОЛИБ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети совғини учун кўп кураш бўйича ўтказилган республика кубоги баҳслари ниҳоясига етди. Кескин кураш вазиятида ўтган бу беллашувларда «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари В. Лодмарёв ҳам кубок билан тақдирланди.

Тошкентнинг спорт майдонларида

тининг вакиллари энг кўп очко тўплашга муваффақ бўлишди. Шахсий ҳисобда ҳам шу жамиятнинг вакили Е. Гельман биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг вакилли В. Лодмарёв ҳам кубок билан тақдирланди.

ЖАМИЯТ БИРИНЧИЛИГИ

«Спартак» стадионида енгил атлетика бўйича ўтказилган анъанавий мусобақаларнинг командалари яхши натижалар кўрсатди. Алоҳида мусофаларга ўтказилган пойгаларда ўқувчилардан С. Литвинова, А. Живицкий, М. Емонова, А. Юдовлар ғолиб чиқишди.

242, 233, 219, 165, 191 ўрта мактабларнинг командалари яхши натижалар кўрсатди. Алоҳида мусофаларга ўтказилган пойгаларда ўқувчилардан С. Литвинова, А. Живицкий, М. Емонова, А. Юдовлар ғолиб чиқишди.

СУРАТДА: мусобақа пайти. М. Рузиев фотоси.



СПОРТЧИЛАРИМИЗ САФАРДА

Волейбол бўйича олий лига аёллар командалари финал учрашувларини давом эттиришмоқда. Навбатдаги турда Свердловскнинг «Уралочка» командаси Киевнинг «Сокол» командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи ўринга кўтарилди. Аслида бу команда чемпионлик унвонини қўлга киритди. Чунки у иккинчи ўринда бораётган Ленинграднинг трамвай-троллейбус бошқармаси командасидан анча олдинга ўтиб кетди. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари ана шу команда спортчилари билан бўлган учрашувда чаққонлик билан ҳаракат қилиб, 3:1 ҳисобида галабага эришдилар.

* * *

Тбилисида енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Епиқ залларда ўтказилган беллашувларда тошкентлик спортчилар муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Е. Гельман биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг вакилли В. Лодмарёв ҳам кубок билан тақдирланди.

НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Республикамиз пойтахтида намунали жамоат тартиби ўрнатишга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам жойларда кенг жамоатчиликнинг таъсири тобора кучайиб, турли нохуш воқеалар камайиб бормоқда. Бу ўринда аҳил Совет милицияси ходимлари ҳамда уларнинг яқин ёрдамчилари— халқ кўнгилли дружиначиларнинг халқимиз осойишталиги йўлида қилаётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Жумладан, Собир Раҳимов номидаги Калинин номли маҳаллада 1977 йилдан бери жамоат тартибини сақлашда ўз дружиначилари билан самарали меҳнат қилаётган район ички ишлар бўлими ходими, милиция старший лейтенанти Абдулла Аҳмадалижоновдан маҳалла аҳли миннатдор. А. Аҳмадалижонов халқ кўнгилли дружиначилари билан ҳафтанинг душанба ҳамда пайшанба кунларида «Қизил тут» кўча, 2-уйда навбатчилик қилади. Уларга жамоат тартибини сақлаш қонун ва қоидалари тўғрисида тушунтиради.

Кўнгилли халқ дружинасига 35 дан ортиқ йигит аъзо. Тошкент темир йўли электр слесари Талъат Абдуллаев, 2502-автобаза шофёри Ўткир Шамсиддинов, Муқимий маҳалласидан «Водоканал» трести С. Раҳимов район бўлими шофёри Достон Ҳолиқов, дурадгор Отамурод Абилов ва бошқа турли касб эгалари жамоат тартибини сақлашда намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

Масалан, улар милиция вакили иштирокида ҳеч қаерда ишламай юрган, 1943 йилда туғилган, «Узган» маҳалла «Кўк сув» кўча, 39-уйда яшовчи О. Гуломовни Октябрь район ички ишлар бўлимига ишчи Калинин маҳалласи «Қизил тут» проезди, 3-тупик, 24-уйда яшовчи Р. Зиганшинни заводга ишга жойлаштирди. Ҳозирги пайтда Калинин номли маҳалла комитети Собир Раҳимов район ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда жамоат тартибини сақлаш йўлида белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

А. ТОЛИПОВ.

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Мухтор Ашрафий номли болалар санъат мактабининг ўқувчилари Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози маданият саройининг сақнасида сайловчилар учун концерт қўйиб беришди. Концерт программасида Глинка, Моцарт асарлари, И. Дунаевский қўшиқлари ижро этилди. Балет труппаси томошабинларга «Ўзбек рақси», «Пахта», «Рақс» номерларини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда болалар санъат мактабида колхозчиларнинг 230 нафар болалари шуғулланмоқда. Мактаб ўқувчилари сайловга тайёргарлик кунларида етти марта концерт қўйиб беришди.

(ЎзТАГ).

• *Ҳар тўғрида*

НАВБАТДАГИ ТЕЛЕДЕТЕКТИВ

Яқинда Австрия телевидениеси биринчи программа орқали навбатдаги «Деррик» теледетективини кўрсатди. Бу гал жиноятчи ўз хотинини совуққонлик билан машина гилдираги остига итариб юборади. Ҳар доимгидек, бу сафар ҳам у ҳеч қандай из қолдирмайди. Бироқ, терговчининг маҳорати туфайли жиноят рўй-рост очиб ташланади.

Фильмнинг давоми эртасига намойиш этилди... Австрия пойтахтининг маркази. Номаълум аёл кўчани кесиб ўтиш учун светофорнинг кўк чироғи ёнишини кутаяпти. Бироқ тўсатдан у юк машинаси остига тушиб қолади. Аёлни машина остига унинг ёнида турган киши итариб юборади.

Шундай қилиб бу жиноятни куникеча ўз кўзи билан телевизор экранида кўрган воқеанинг айнан ўзини такрорлайди. Полиция участкасида жиноятчи ҳар томонлама текширилиб кўрилди. Унинг руҳий ҳосати жойида эканлиги аниқланди.

Аёлнинг бахти бор экан. Машина ҳайдовчиси уни тезда касалхонага етказиб борди. Врачларнинг елиб-югуриши туфайли у соғайиб кетди.

Бу сафар ҳам программа тузувчилар адресига телетомошабинлар томонидан кўплаб норозилик хатлари келди. Лекин бу мактублар ҳамон натижасиз қолаяпти. Телестудия раҳбарларининг мақсади турли йўллар билан телетомошабинлар сонини оширишдан иборат холос. Қолгани билан уларнинг иши йўқ.

БОСҚИНЧИ ҲАШАРОТ

Термит ҳашаротининг ҳужуми Мисрнинг жанубий вилоятида истиқомат қилувчи деҳқонлар учун ҳақиқий ҳалокатдир. Чиндан ҳам бу ҳашаротлар қишлоқ хўжалигига жуда катта зиён етказмоқда. Бир неча қишлоқларда не машаққатлар билан етиштирилган бугдой бутунлай нобуд қилинди. Термитлар ҳужуми натижасида Асьют губернасида 2 мингга яқин қишлоқ уйлари хонавайрон бўлиш хавфи остида. Ҳашаротлар бу ердаги икки та мактабни деярли кемириб ташлашди.

Бу ҳашаротлар баъзи қишлоқларда 80 процент турар жойларни ишдан чиқардилар. Уларнинг йўқотишига қарши қўлланилаётган тадбирлар вақтинчалик фойда беряпти холос.

АЖИНДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?

Бизнинг давримизда ҳар қандай киши агар ҳаракат қилса, 10 ёшча ёшроқ кўриниши мумкин, — деб ҳисоблайди Чехословакиянинг «Младн свет» журнали. Врач-косметологлар одам юзидаги ажинларни йўқотиш борасида анчадан бери фаолият кўрсатишяпти.

Табиийки, бу муаммо ёши ўтиб қолган машҳур артистларни жуда ҳаяжонга солади. Сўнгги вақтларда баъзи санъат «юлдузлари»нинг ўзига хос ички сири борлиги аниқланди. Масалан, франциялик машҳур қўшиқчи Шарль Азнавур ўз танаси мускулларини мустаҳкамлаш учун бир неча соатлаб оёқ тикув машинасида дастурхон, чойшаб, одеял ва шунга ўхшаш буюмларни тикиш билан шуғулланар экан. Турли «мутахассислар»нинг ролини ижро этишда юксак маҳоратга эга бўлган киноартист Чарльз Бронсон ўзининг гўзал қоматини асраш учун соатлаб рақсга тушаркан.

Машҳур кино юлдузи Пол Ньюмен соатлаб велосипедда сайр қилади. Қора нон еб, устидан олма шарбати ичади. Ален Делон эса мотоцикл спортига қизикади. Енгил ва оғир атлетика билан жиддий шуғулланади.

Ўз юз тузилишини ажиндан сақламоқчи бўлган одамларга журнал шарбат ичишни, турли-туман мевалар истеъмол қилишни ва спорт билан шуғулланишни маслаҳат беради.

КИСЛОРОД ҲҮҒРИСИ

Унинг исми—Даниэл Кейт Людвиг, ёши 80 да. Мулки тахминан 3 миллиарддан 5 миллиардгача бўлган суммада баҳоланади. Унинг фақат иккитагина фотосурати маълум. Осойишта ҳаёт кечирувчи бу кишининг фаолияти эса инсонлар учун жуда хавфлидир. Гап шундаки, у 1967 йилда 3 миллион доллар баҳосида Амазонка ўрмонзорининг маълум бир қисмини сотиб олиб, у ердаги дарахтларни кеса бошлади. Ун йил ичида 2 миллион гектар ердаги дарахтлар йўқ қилинди.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, планетамиздаги дарахтларнинг учдан бир қисми ўсадиган Амазонка ўрмонлари бир йил ичида жахон кислород запасининг 50 процентини ишлаб чиқарар экан. Олимлар бундай катта майдондаги дарахтларнинг нобуд қилиниши ер юзидаги океанлардан бирининг қуриб битиши натижасида юз берадиган ҳалокат билан тенгдир, деб таъкидлашмоқда.

ҲОДИСА ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

«Шу куни мен фақат бир кружка пиво ичган эдим»,— деб қайд этди Собиржон Зокиров тушунтириш хатида. У бир кружка пиво ёш, соғлом кишининг организмига унча таъсир этмайди, деб ўйлади шекилли. Лекин ҳақиқат бошқа нарсани исботлади.

Ширакайф Собиржон Муқимий кўчасини светофорнинг қизил чироғи остида кесиб ўтмоқчи бўлди. Унинг эпкин билан йўлни кесиб ўтиши қимматга тушди. С. Зокиров кўчада А. Азизов бошқариб келаётган РАФ—977 маркали 25—47 ТНМ автомобилининг қанотига бориб урилди, асфальтга йиқилиб, жароҳатланди.

С. Зокировни бош мияси қалқиган, танаси жароҳатланган ҳолда тез медицина ёрдами клиник касалхонасига келтиришди.

О. КОЛЬЦОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/II да **Жизель**, 21/II да **Князь Игорь**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да **Соқов рицарь**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 20/II да **Тошкентнинг нозанин келинкаси**, 21/II да **Олтин қамар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/II да **Можаро** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 20/II дан 24/II гача **«УРГАТИЛГАН ТИМСОҲЛАР; ИЛОНЛАР БИЛАН РАҚС; БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ»** номерининг хайрлашув гастроллари (19.30).

КИНО

20 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСОРАТ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ЭФИР СОҚЧИЛАРИ»— **Чайка.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПУЛАТ ҚАНОТЛАР ҚИССАСИ» — **Чайка** (18, 21.00, жавоб берувчи автомат 77-06-20), **Москва** (17, 20.00, жавоб берувчи автомат 33-05-01), **Нукус** (16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 46-70-60), «ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА...» — **Қозоғистон** (16, 17, 20.00, **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (16.30, 17, 21.30, **Дружба** (16, 17, 20.00, жа-**Ҳамза номли** (16, 18.30, 20.45), **Навоий номли** (17, 19.00).

«САВОЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ»—**Кўчма** (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-68-60), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76), **Мир** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (13, 15, 17, 19, 21.00, телефон 53-85-87).

21 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПУЛАТ ҚАНОТЛАР ҚИССАСИ» — **Чайка** (12, 15, 18, 21.00, жавоб берувчи автомат 77-06-20), **Москва** (11.30, 14, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 33-05-01), **Нукус** (11, 12.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 46-70-69).

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА...»— **Қозоғистон** (12, 13, 16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 33-25-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Дружба** (13, 14, 16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 66-15-75).

«САВОЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ»— **Кўчма** (тоқ соатларда), **Навоий номли** (11, 12.40, 14.40, 16.40, 18.10), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60), **Ҳамза номли** (11, 12.30, 14, 16, 18, 20.00, телефон 91-10-51), **Искра** (16, 18, 19.45), телефон 39-11-70).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

24 февраль соат 10.00 да

ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИДА ЕШ ФИЗИКЛАРНИНГ III УНИВЕРСИТЕТ ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ

8— 10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

6 март соат 14.00 да ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ ВА ҒОЛИБЛАР МУКОФОТЛАНАДИ.

Транспорт: 10, 28, 34, 38, 49, 76, 87, 88, 100-автобуслар, 8-троллейбус, 7, 16, 19-трамвайлар, 4, 9, 12-маршрут таксиларининг «Университет» ёки «Студентлар шаҳарчаси» бекатлари.

«Узэлектромонтаж» трестининг ихтисослаштирилган

1-ЭЛЕКТРОМОНТАЖ ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

электромонтажчилар, коммутатчилар, линячилар, подстанциячилар, электрослесарлар, кабелчилар, рангли металлар бўйича электр пайвандчилар ва пайвандчилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, автокранчилар, махсус машина ҳайдовчилари, шофёрлар ва электромонтаж ихтисосларига ўқиш учун касбга эга бўлмаган гражданлар

КЕРАК

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар ишга ва ўқишга кираётганда имтиёзлардан фойдаланадилар. Зарур бўлганларга ётоқхона берилади.

Электромонтаж ишлари Тошкент шаҳридаги ҳамма районларда ва шаҳар атрофидаги саноат объектлари, маданий-маиший бинолар, турар жойлар ва метро қурилишида амалга оширилади.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. — Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ва Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР, РАҚҚОСАЛАР ВА ҲАЖВИЯЧИЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ Карима УЗОҚОВА

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Немоджон ТУРДИАЛИЕВ, Тошмемир ТОПРОҚ, Азам ҒОЗИЕВ, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Ўлмасхон НУРМАТОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанрда).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани— Мамасоли ҲОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб борадилар.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ГУМ БАЙРАМИДА

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

байрам олди кунларида Сизни ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

ГУМнинг ҳамма қаватлари, ҳамма секцияларида совға наборлари, сувенирлар, галантерея буюмлари, трикотаж, устки кийимларнинг кенг савдоси ташкил этилган.

Кўл соати яхши эсдалик совғаси бўла олади.

Ҳар қандай дидга мос келадиган, кийимга ярашиқли, ҳар қандай ёшга мос келадиган соатлар маркаси рассомлар ва соатсозлар санъати билан яратилгандир.

«СЛАВА», «ЧАЙКА», «ПОЛЕТ», «ЛУЧ» — Сиз ГУМдан ҳарид қилишингиз мумкин бўлган соатларнинг тўла бўлмаган йўқламаси ана шундай. Бу маркадаги соатларнинг ҳаммаси ўзининг юқори сифатлилиги, аниқ юриши, чидамлилиги ва чиройлилиги билан фарқ қилади.

ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР БЎЛИМИДА — СПОРТ КОСТЮМЛАРИ, ЖАКЕТЛАР, ТЎР КУЙЛАКЛАР, ШАРФ ВА БОШҚА БУЮМЛАРНИНГ КАТТА НАБОРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.



Ҳеч қачон модадан тушмайдиган трикотаж кийимлар иссиқ, енгил, қулайдир.

Учинчи қаватда «ҲАММАСИ ЭРКАКЛАР УЧУН» КОМПЛЕКСИДА ХИЛМА-ХИЛ ТОВАРЛАР БОР.

СОТУВГА: КОСТЮМЛАР (мамлакатимизда ва чет элларда таниқланган), ШИМЛАР (Андижон ва Тошкент тикув фирмалари), ПОЙАФЗАЛ (Наманган ва Тошкент пойафзал фабрикаларида ишланган), ЭЛЕКТР УСТАРА, СОҚОЛ ОЛИШ АСБОБЛАРИ, ГАЛСТУКЛАР, КАМАРЛАР, ПОРТМОНЕ, СИГАРЕТА ҚУТИСИ, ЗАПОНКА, ҚУЛДОНЛАР ҚЎЙИЛГАН.

23 ФЕВРАЛЬ— фақат эркакларнингина эмас, шу билан бирга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган аёлларнинг, ҳозирги кунда ҳам Совет Армияси сафларида ҳизмат қилаётган хотин-қизларнинг ҳам байрамидир. Шунинг учун ГУМнинг тўртинчи қаватида жойлашган «ҲАММАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН» комплексидан совға харид қилишни унутманг.

Биринчи қаватдаги сувенирлар бўлимига албатта кириб ўтинг.

Металлга ўйиб ишланган буюмлар, эгозлан ишланган панноллар ва бошқа буюмлар яхши совға бўлади.

ГУМ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ТОШКЕНТ ЕНГИЛ МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР ТАЖРИБА ЗАВОДИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

фрезерчилар, токарлар, кранчилар, слесарь-асбобсозлар, слесарь-сантехниклар, ностандарт ускуналар бўйича слесарлар, слесарь-ремонтчилар, кранлар ремонти бўйича слесарлар, қурилиш касбларидаги ишчилар, мастерлар, операторлар, лаборантлар, электромонтёрлар, электрпайвандчилар, қоровуллар, инженер-механиклар, конструкторлар. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

«ТАШТРАКТОРОСТРОЙ» ТРЕСТИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, монтажчилар, арматурачилар, электропайвандчилар. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 1-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

газ-электр пайвандчилар, электрослесарлар, токарлар, фрезерчилар, автомашина ва автокран ҳайдовчилари, бульдозер, экскаватор, автогрейдер машинистлари. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ РЕМОНТИ ЗАВОДИГА

слесарлар, станокчилар, электр-пайвандчилар, дурадгорлар, қолипчилар, ер тузувчилар, кранчилар, юк ташувчилар, электро-монтёрлар, сантехниклар, гардеробчилар, фаррошлар, инженер-техник ходимлар. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИГА

ошпазлар, буфетчилар, сотувчилар, бухгалтерлар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОНИ ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ— У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ —Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ— М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ— Энгельс кўчаси, 89-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ— К. Маркс кўчаси, 59-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ— Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ— 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ— район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

20 ФЕВРАЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.05 Янгиликлар, 15.25 Социалистик мамлакатлар телевизион ҳужжатли фильмлари программаси. «Венгрия Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашида» (ВХР), «Болгар электроникаси». (ВХР), «Дунай—дарё, кишилар, спорт» (ЧССР). 16.10 «Инсон ва қонун». 16.40 «Рус тили». 17.10 «Горийлар, қаердасиз?».

17.40 «Миллионлар ленинча университети». «Ленин номи билан». 18.10 «Сайловлардан —сайловларгача». 18.40 «Дунё воқеалари». 18.55 «Қизил погонлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 20.00 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Фигурали учиш. Спорт рақслари. Ихтиёрий программа. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 Оммавий симфоник куйлардан концерт. Концерт тугагач (23.20), — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. 18.30 Ёзувчилар — болаларга. «Ака-ука Гриммлар». 19.00 «Сайловлардан— сайловларгача». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Эътибор Охунова. 20.50 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ижтур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Чорвачилик: тажриба ва муаммолар». 22.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Озодлик солдатлари». Бадиий фильм. 3-фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Адабиёт. «Абдулла Қодирий — тарихий романлар автори». 20.55 Реклама. 21.10 «Бизнинг бош мухбиримиздан». (рус.). 21.40 Сиртдан ўқитган студентлар учун. Физика. 22.40 «Керченнинг оловли йиллари». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

21 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденнесининг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.10 «Қизил погонлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Чанги спорти. 4х10км. га эстафета. Эркаклар. Кўрсатув тугагач (12.45) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР — Швеция терма командалари. 17.05 «Музей ва кўргазма залларн очиқдир». СССР Бадиий Академияси аъзолари асарларининг кўргазмаси. 17.35 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей СССР — Канада терма командалари. Танаффус пактида (18.15) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув. 19.05 І. Хренников 3-симфония. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри чалади. Дирижёр— РСФСР халқ артисти В. Федосеев. 19.55 Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод Уртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. Концерт. ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театридан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Юлька, Васька ва бошқалар». 12.00 «Маишук ҳақида қўшиқ». Бадиий фильм. 13.15 «Ноёб автомобиллар». Ҳужжатли фильм (рус.). 13.30 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Қоровбо ва ёз». Болалар учун мультфильм. 17.55 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.20 «Меҳнат интизоми— ишчининг виждони». 18.40 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.55 «Дирижёр ҳикоя қилади». Курсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 «Москва. Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод Уртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. Концерт. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Отаоналар учун консультация. 20.55 Сиртдан ўқитган студентлар учун. Назарий механика. 21.55 «Иманте Судмалис кўчаси» Телевизион фильм (рус.). 22.25 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 1-қисм.

«ТАШПЛОДООВОЩ» бирлашмасининг ЧИЛОНЗОР УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО КОНТОРАСИГА қарашли 17-МАГАЗИНИНГ йўқолган ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 Тошкент бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

20 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р—07087. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б— 2060. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14